



Абдуллоҳ Абдулмажид ўғли,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Манбалар хазинаси илмий ходими

ИМОМ АБУЛ ЮСР ПАЗДАВИЙ АДАШГАН СУФИЙЛАР ҲАҚИДА

Мовароуннаҳр ўлкаси мотуридийлик ақидаси ҳамда ҳанафийлик мазҳаби фикҳи ва қозилиги узоқ вақт ҳукм сурган муҳим исломий марказлардан саналади. Мотуридийлик ва ҳанафийлик мактабларининг ривожига Паздавийлар оиласининг ҳиссаси бекиёс. Жумладан, Имом Мотуридий (р.а.)нинг шогирди Абдулкарим Паздавий (р.а.)нинг набираси Имом Абул Юср Паздавий (р.а.) ҳам мазкур мактаб тарбияланувчиси саналади. Имом Абул Юср Паздавий (р.а.) 421/1030 йилда таваллуд топган. Аллома ўзи ҳақида эслар экан, Андижон шаҳрида истиқомат қилгани ва у ерда бир файласуф билан охираат ҳақида баҳс-мунозара қилганини таъкидлайди. Шунингдек, Имом Абул Юср Паздавий (р.а.) ўз асарида 478/1085 йилда Бухорода яшагани ҳақида маълумот қолдирган. Кейинчалик аллома 481/1088 йилда Самарқандда қози сифатида фаолият юритган ва 493/1099 йилда Бухоро шаҳрида вафот этган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, Имом Абул Юср Паздавий (р.а.) умрининг кўп қисмини Бухоро шаҳрида ўтказган бўлиб, у ерда устоз, муаллиф ва мударрис, ҳатто қози сифатида илмий фаолият олиб борган. Имом Абул Юср Паздавий (р.а.)дан “Шайбоний (р.а.)нинг “ал-Жомий ас-сағир” асарига таълиқ”, “ал-Воқийот”, “ал-Мабсут”, “Усул ад-дин” каби асарлар мерос бўлиб қолган.

Имом Абул Юср Паздавий (р.а.)нинг “Усул ад-дин” номли шоҳ асари ислом ақидасида муҳим ўрин тутати. Мазкур асарда мотуридийлик ақидаси қисқа ва тушунарли тарзда баён қилинган. Имом Мотуридий (р.а.)нинг “ат-Тавҳид” асарида тушуниш қийин иборалар кўп бўлгани боис Имом Абул Юср Паздавий (р.а.) мазкур асардаги ақидавий қарашларни соддалаштириб, ўзи яшаган замон талабларига мослаб “Усул ад-дин” асарини тасниф этган.

Кейинчалик Имом Абул Юср Паздавий (р.а.)нинг ақидавий қарашлари унинг шогирдлари томонидан самарали давом эттирилган. Жумладан, Нажмиддин Насафий (р.а.) (460/1068-537/1142) устози Имом Абул Юср Паздавий (р.а.)нинг мазкур асарини янада соддалаштириб, “ал-Ақрид ан-насафия” номли асар яратган ва бу асар ҳозирга қадар муомалада бўлиб турибди.

Имом Абул Юср Паздавий (р.а.)нинг “Усул ад-дин” асарида мотуридийлик ақидасининг муҳим жиҳатлари ёритилган бўлиб, муаллиф ўз қарашларини ишончли манбалар билан қувватлантирган. Асарда мотуридийлик ақидаси турли бузуқ эътиқодлардан ҳимоя қилинган. Шунингдек, муаллиф ўзи яшаган давр ва ҳудудлардаги муаммоларни ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Имом Абул Юср Паздавий (р.а.) нафақат таълим бериш, қозилик қилиш ва асарлар ёзиш билан машғул бўлган, балки жамиятдаги ҳодисаларга ҳам бефарқ бўлмай, ижтимоий муносабатларда фаол бўлган. Жамиятдаги муаммоларга Имом Абул Юср Паздавий (р.а.) ўз муносабатини билдирар, керак бўлса, муаммоларга шахсан ўзи ечим топар эди. Алломанинг асарлари бунга гувоҳдир.

XI асрда тасаввуф билан боғлиқ нотўғри қарашлар ва ножўя хатти-ҳаракатлар Мовароуннаҳрга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бу муаммо билан боғлиқ ҳодисалар Мовароуннаҳр шаҳарлари, хусусан, Фарғона водийсида кенг тарқалди. Шубҳасиз, Имом Абул Юср Паздавий (р.а.) ҳам бу муаммога ўз муносабатини билдириб ўтади ва адашган суфийларга қарши маърифат билан курашишда барчага ўрнак бўлади. Мазкур воқеани Имом Абул Юср Паздавий (р.а.) шундай эсга олади:

“Суфийларга келсак, уларнинг аксарияти “Аҳли сунна вал жамоа”дан саналади. Уларнинг

орасида каромат соҳиблари ҳам бор. Аммо баъзи суфийларда рад қилинган мазҳаблар зоҳир бўлиб, бу мазҳабларнинг аксарияти залолат ва бидъатдан иборат бўлиб қолган.

Масалан, “хуббийлар” (муҳаббатчилар). Улар: “Аллоҳ таоло бирор бандани яхши кўрса, ундан хитоб (шаръий ҳукмлар)ни кўтаради ва унга барча неъматларни ҳалол қилиб қўяди. Шунингдек, Аллоҳ ундан ибодатларни соқит қилади ва у учун таъқиқ деган қонуннинг ўзи қолмайди”, деб эътиқод қиладилар. Бу тоифа тасаввуф вакиллари намоз ўқимайдилар, рўза тутмайдилар, аврат аъзоларини ёпмайдилар, зинодан, хамр (маст қилувчи ичимлик) ичишдан, ливота (бир жинсли инсонларнинг яқинлик қилиши) ва таъқиқланган ҳар қандай нарсадан тийилмайдилар.

Адашган суфийлардан “авлиёийлар” (авлиёчилар) фирқасидир. Улар: “Валий одамлар фаришталарнинг набий ва расулидан афзалдир. Расул мурсал илайҳ (пайғамбар юборилган одамлар) ва мурсил (пайғамбар юбуровчи Аллоҳ) эмасдир. Бизнинг фикримиз ва улуғларимизнинг одати шудир. Агар инсон ибодатда юқори даражага етса ва валийликда олий мартабага чиқса, унда ийжоб хитоби (ибодатларни бажариш мажбурияти) ва ҳазар хитоби (ҳаром нарсалардан тийилиш мажбурияти) қолмайди, унга ҳар нарса ҳалол бўлиб қолади”, деган бузуқ ақидада бўладилар.

Суфийларнинг яна бир адашган фирқаси “ибохатийлар” (рухсатчилар) деб аталади. Улар: “Барча мол-мулк мубоҳ (фойдаланиш мумкин), шунингдек, аёллар ҳам (никоҳсиз фойдаланиш учун) мубоҳдир”, деб нотўғри ақидага таянадилар. Уларнинг наздида одамларнинг мол-мулкани ноҳақ ўзлаштириш ва бегона аёлларга никоҳсиз яқинлик қилиш мубоҳ – ҳалол саналади.

Мазкур адашган суфий тоифалардан яна бири “хулулийлар” (Аллоҳнинг бандага ўрнашганлигини даъво қилувчилар)дир. Улар рақс, қўшиқ ва хушрўй, ёқимтой соқоли чиқмаган ўспирин йигитларга назар солишни мубоҳ деб биладиган фирқа саналади. Улар: “Аллоҳнинг сифатларидан бири ёш ва келишган йигитда ўрнашган. Шу сифат сабабли биз уни яхши кўрамыз ва қучоқлаймыз”, деган бузуқ эътиқодга амал қиладилар.

Шунингдек, адашган суфийлар орасида “хурийлар” (хурчилар) деб аталадиган тоифа ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам рақс ва қўшиқни мубоҳ санайдилар, ҳатто шу даражада кўп

рақс тушадиларки, ҳолдан тойиб ерга йиқилиб тушадилар. Сўнг ўринларидан туриб ғусл қиладилар. Бунинг сабабини сўрашганда эса: “Оҳу кўзли хурлар келди, биз улар билан жимоъ қилдик”, деб айтадилар. Аслида эса, улар бундай қабих ишларни қилар эканлар, шайтон билан жимоъ қилган бўладилар.

“Воқифийлар” (тўхтовчилар) ҳам адашган суфийлар сирасидан бўлиб, “Аллоҳни таниш мумкин эмас. Аллоҳни танишдан ожиз бўлишнинг ўзи маърифат (Аллоҳни таниш) демакдир”, деб эътиқод қиладилар. Улар Аллоҳни таниш масаласида таваккуф қиладилар (тўхтайдилар, фикр билдирмайдилар).

Баъзан суфийлар орасида жоҳиллари ҳам учраб туради. Улар доира чалиб, хамр ичадилар, баъзи фаҳш ишларни қиладилар ва фосиқларнинг либосини киядилар. Улар: “Тарки ирода вожибдир” (иродадан воз кечиш вожиб), деб ўзларини оқлашга ҳаракат қиладилар.

Суфийлар орасида дангасалари ҳам мавжуд. Улар фақат қоринни тўйдириш ғамида бўладилар, ҳалол ва ҳаромга эътибор бермайдилар, нима топса, шунини тановул қилиб, майхоналарни маскан тутадилар, касб билан шуғулланмай кўп вақтни уйқу билан ўтказадилар. Улар онда-сонда намоз ўқийдилар, егулик топсалар, таомланадилар, қорини топсалар, (унга зикр ўқиттириб) рақсга тушадилар. Улар дангасаликни танлаб, таълим олмайдилар ва оила қурмайдилар. Лекин улар адашган фирқаларга ўхшаб бузуқ ақидаларга эътиқод қилмайдилар ва ҳеч ким билан тортишмайдилар, уларнинг ҳеч кимга зарари тегмайди.

Лекин суфийлар орасида улуғ мартабали, тақводор, яхши ва каромат соҳиби бўлган зотлар ҳам бор. Улар доим таҳорат ва покликка риоя қилиб, ейишда, ичишда, кийинишда, гапиришда, ухлашда ва ибодатда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларига эргашадилар. Аммо улар одамларга ваҳийни етказиш, яъни даъват қилишни тарк қилиб, бу ишни олимларга қолдирадилар.

Инсон суфийлар ҳақида ножўя сўзларни айтишдан йироқ бўлиши, тилини тийиши лозим. Чунки уларнинг ичида умматнинг энг яхшилари бор. Юртимизда, хусусан, Фарғона диёрида мазкур адашган суфийлар пайдо бўлаётгани сабабли ушбу сўзларни ёзишга мажбур бўлдим.

Баъзан бу адашган суфийларнинг “авлиёийлар” тоифаси Бухоро шаҳрига ҳам ташриф

буюриб, кейин яна шаҳардан чиқиб кетадилар. Ҳуббийлар эса Аллоҳнинг энг ёмон бандалари саналади, уларнинг мазҳаби зиндиқликка мойилроқдир.

Шунингдек, суфийлар орасида илҳомни даъво қилувчи тоифа ҳам мавжуд бўлиб, улар: “Аллоҳ қалбимга солди”, деб адашган фирқа бўлмиш қарматийларга ўхшаб баъзи тўқима ва бузуқ ишора ҳамда кишини даҳшатга солувчи сўзларни зикр қиладилар. Улар шу йўл билан халқни алдаб, бу ишни ўзларига касб қилиб оладилар ва шариятни буткул инкор қиладилар. Бундай кимсалар Аллоҳнинг энг ёмон мавжудотларидан бири саналадилар. Шундай бидъатчи кишилардан бири 478/1085 йилда Бухорога келган. У маҳаллий суфийлар ва шофеъийларнинг баъзиларини атрофига йиғади. Мен у вақтда Бухородан ташқарига чиқиб, баъзи қишлоқларга сафар қилган эдим. Бухорога келганимда унинг қилмишларини эшитдим. Билишимча, мазкур одам аввал ҳанафий мазҳабида бўлиб, кейинчалик мўътазилий оқимига мойил бўлган экан. Мен икки шогирдимни унинг олдига юбориб, шундай дедим: “Ундан: “Абу Ҳанифа (р.а.)нинг мазҳабидан нега воз кечдинг? Нима учун бу бидъатни юзага чиқардинг?”, деб сўранглар”. У: “Ҳанафийлик мазҳабидан воз кечмадим”, деди. Мен шогирдларимга: “Ундан: “Нима сабабдан рукуъ қилганда ва рукуъдан бошни кўтарганда қўлларингни кўтарасан?”, деб сўранглар”, дедим. У уятли сири очилиб қолганидан ҳижолат чекиб: “Менга (қалбимда Аллоҳ томонидан) шу нарса зоҳир бўлди. Агар сизларга ҳам зоҳир бўлганида, сизлар ҳам (намозда) қўлларингизни кўтарган бўлар эдингиз”, деди. Мен шогирдларимга: “Ундан: “Сенга нима зоҳир бўлди? Уни бизга ҳам кўрсата оласанми ёки кўрсата олмайсанми? Агар кўрсата олсанг, кўрсат! Агар кўрсатиш қўлингдан келмаса, демак, сен қилаётган иш бидъат”, деб сўранглар”, дедим. Сўнг яна шогирдларимга тайинлаб: “Унга айтинглар: “Биз расуллар, набийлар (пайғамбарлар), барча асрларда яшаб ўтган солиҳ фақиҳлар, тақводорлар, авлиёлар ва қори (олим)ларнинг йўлидамыз. Сен эса, эй чалғитувчи, адашган ва адаштирувчи! Бу улўғ зотларнинг йўлидан юз ўгиргиб, Иблиснинг йўлида юрибсан! Сенинг йўлинг рофизийлар ва қарматийларнинг йўлидир!”, дедим. Мазкур бидъатчи бу сўзларни эшитиб, шу заҳоти Бухоро шаҳри, ҳатто унинг атрофидаги қиш-

лоқлардан ҳам узоқлашиб, ҳинднинг қўлидаги кишандан қутилган маймундек қочиб кетди. Эшитишимча, фақиҳларимиздан бири мазкур бидъатчидан: “Нега Абу Ҳанифа (р.а.)нинг мазҳабини тарк қилиб, рукуъ қилганда ва рукуъдан қайтган вақтда қўлларингни кўтарасан?”, деб сўрабди. У: “Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобалар ва бошқа инсонлар билан шундай қилганларини кўрдим. Улар рукуъга борганда ва рукуъдан бошни кўтарганда қўлларини кўтараётганини кўрдим”, дебди. Фақиҳ: “Буни тушингда кўрдингми?”, деб сўрабди. У: “Йўқ, ўнгимда кўрдим”, деб жавоб берибди”.

XI асрда Мовароуннаҳр ўлкасида жамиятга раҳна солиб турган мазкур муаммо ҳозир ҳам давом этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу каби муаммоларга ечим излашда Имом Абул Юср Паздавий (р.а.)нинг тутган йўли бизларга намуна бўлади. Аллома суфийларнинг Аҳли сунна вал жамоанинг ажралмас бир қисми эканини таъкидлаган ҳолда айрим адашган тасаввуф вакиллари ва уларнинг ақидалари ҳақида маълумотлар бериб ўтган ва мазкур бидъатчининг нотўғри йўлда эканини илмий асос билан исботлаб берган. Имом Абул Юср Паздавий (р.а.) таъкидлаганидек, тасаввуф вакиллари ҳақорат қилиш ва уларни куфрда айблашга шошилмаслик лозим. Аксинча, адашган кимсаларни маърифат ва илм билан тўғри йўлга чорлаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса мутахассислардан чуқур билим ва катта илм талаб қилади. Зеро, тасаввуф аҳлининг адашган ёки адашмаганини аниқлаш учун кўп йиллик диний таълим ва илмий фаолият керак бўлади. Психология, социология ва бошқа шу каби дунёвий илмларнинг ўзи билан тасаввуф ҳақида хулоса чиқариш тўғри бўлмайди. Бундай илмлардан бебаҳра одамлар эса, жамиятдаги етук олим ва мутахассисларга эргашишлари даркор.

